

9. Buvinić, M., & Furst-Nichols, R. (2018). *Financial Inclusion and Women's Empowerment. World Bank Policy Research Working Paper No. 8462.*

10. UNDP Uzbekistan. (2023). *Participatory Budgeting in Uzbekistan: Pilot Results and Policy Recommendations. Tashkent: UNDP.*

11. Hamidov, A. (2023). *Moliyaviy savodxonlik va iqtisodiy barqarorlik: O'zbekiston tajribasi. Iqtisodiyot va menejment, 4(68), 45–58.*

12. Karimova, D. (2024). *Raqamli transformatsiya sharoitida soliq madaniyatini shakllantirish mexanizmlari. Davlat va jamiyat, 2(42), 112–125.*

БЮДЖЕТ САВОДХОНЛИГИ — ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИНИ КУЧАЙТИРИШ ВОСИТАСИ

Мирзаева Дилдора Иномовна

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги

Бюджет-солиқ илмий тадқиқотлари институти, бош мутахассис

Аннотация. *Мазкур тезисда бюджет саводхонлиги давлат молияси тизими ривожланишида муҳим омил сифатида кўриб чиқилади. У молиявий саводхонликдан фарқли равишда фуқароларнинг давлат бюджети тузилиши ва мазмунини тушуниши ҳамда бюджет сиёсатини баҳолай олишини англатади. Open Budget Survey 2023 маълумотлари асосида бюджет ахбороти очиқлиги ва жамоатчилик иштироки ўртасидаги тафовут таҳлил қилинади. Шунингдек, дастурий бюджетлаштириш, интерактив платформалар ва “фуқаролар учун бюджет” форматлари бюджет маълумотларини соддалаштириш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш воситалари сифатида баҳоланади.*

Калит сўзлар: *молиявий саводхонлик, бюджет саводхонлиги, бюджет шаффофлиги, фуқаролар иштироки, жамоатчилик назорати, дастурий бюджетлаштириш, давлат молияси.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат бюджети билан боғлиқ маълумотларни очиқ эълон қилиш ва жамоатчиликка тақдим этиш бўйича замонавий механизмлар жорий қилинмоқда. Бироқ бунинг ўзи кифоя қилмайди, чунки фуқаролар бюджет жараёнида иштирок этиш ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун ахборотни тушуниши ва таҳлил қила олиши лозим. Шу нуқтаи назардан, молиявий саводхонлик ва бюджет саводхонлиги тушунчаларини аниқлаш муҳимдир, чунки бюджет саводхонлиги давлат молиясига доир маълумотларни англаш ва улар асосида асосли хулоса чиқариш қобилятини англатади. Шу нуқтаи назардан, “молиявий саводхонлик” ва “бюджет саводхонлиги” тушунчаларини назарий жиҳатдан аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро амалиётда молиявий саводхонлик аҳолига шахсий молиявий қарорларни онгли ва асосли қабул қилишга ёрдам берадиган билим ва кўникмалар мажмуаси сифатида талқин этилади. OECD/INFE¹⁵⁰ таърифига кўра, у молиявий тушунчаларни англаш, уларни амалда қўллай олиш ҳамда молиявий қарорларнинг оқибатларини тушуниш ва уларга масъулият билан ёндашишни ўз ичига олади. Шу билан бирга, давлат молияси соҳасида молиявий саводхонликдан фарқли равишда нисбатан торроқ тоифа — бюджет саводхонлигини ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бюджет саводхонлиги фуқароларнинг давлат бюджети тузилишини англаш, даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ахборотни талқин қилиш, бюджет сиёсатининг устувор йўналишларини таҳлил этиш ҳамда бюджет қарорларини жамоат натижалари билан боғлаш қобилияти сифатида изоҳланади. Агар молиявий саводхонлик шахсий ресурсларни бошқаришга қаратилган бўлса, бюджет саводхонлиги жамоат ресурсларини бошқариш соҳасига тааллуқлидир. Айнан ушбу таркибий қисмни шакллантиришга бюджет шаффофлиги бевосита таъсир кўрсатади, чунки у давлат молиясига оид ахборотнинг очиқлиги ва мазмунли қабул қилиниши учун шароит яратади.

Бюджет шаффофлиги, яъни ҳукуматнинг молиявий маълумотларни очиқ тақдим этиши, демократик бошқарувнинг муҳим пойдевори сифатида халқаро ташкилотлар, жумладан БМТ томонидан эътироф этилган¹⁵¹. Эмпирик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, шаффофлик механизмлари самарали йўлга қўйилган мамлакатларда аҳолининг ишонч даражаси бир неча йил ичида 10–20 фоизгача ўсиши мумкин¹⁵². Бироқ, очиқ маълумотларнинг мавжудлиги ўз-ўзидан ижобий натижани кафолатлай олмайди. Бунда асосий муаммо жамоатчилик вакилларининг бюджет ҳақидаги маълумотларни тушуниш ва шунга мос равишда асосли таклифлар тайёрлаш учун етарли билимга эга эмаслиги бўлиб қолмоқда.

Халқаро Бюджет Ҳамкорлиги томонидан ўтказилган 2023 йилги Бюджет очиқлиги сўрови (Open Budget Survey 2023)¹⁵³ натижалари дунё миқёсида бюджет маълумотларининг очиқлиги ва фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштирок даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжудлигини кўрсатади. OBS давлатлар томонидан асосий бюджет ҳужжатларининг эълон қилиниши, ахборотнинг тўлиқлиги ҳамда жамоатчилик иштирок механизмларини 100 баллик шкала асосида баҳолайди. 2023 йил натижаларига кўра, шаффофлик (*Transparency*) бўйича глобал ўртача кўрсаткич 45 баллни, бюджет назорати (*Oversight*) — 45 баллни, жамоатчилик иштироки (*Public Participation*) - 15 баллни ташкил

¹⁵⁰ https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2020/06/oecd-infe-2020-international-survey-of-adult-financial-literacy_bbad9b27/145f5607-en.pdf

¹⁵¹ <https://docs.un.org/ru/e/c.16/2019/8>

¹⁵² https://www.researchgate.net/publication/391123869_How_Budget_Transparency_Affects_Public_Trust_in_Government_A_Comprehensive_Analysis

¹⁵³ <https://internationalbudget.org/open-budget-survey/rankings>

этган. Ушбу кўрсаткичлар бюджет ахборотининг очиқлиги ва аҳолининг реал иштирок имкониятлари ўртасида номуносиблик мавжудлигини тасдиқлайди.

Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, шаффофлик рейтингда юқори ўринга эга давлатларда ҳам жамоатчилик иштирок имкониятлари чекланган (41-60) ёки етарли эмас (0-40) деб баҳоланади. Глобал ўртача кўрсаткичлар ўртасидаги тафовут (45 га нисбатан 15) тизимли муаммони очиб беради. (1-жадвал)

1-жадвал

Бюджет шаффофлиги ва жамоатчилик иштироки (OBS 2023)

Давлат номи	ОВИ рейтингдаги ўрни (125 давлат ичида)	Бюджет шаффофлиги	Жамоатчилик иштироки
Глобал ўртача кўрсаткич		45/100	15/100
Грузия	1/125	87/100	44/100
Янги Зеландия	2/125	87/100	55/100
Швеция	3/125	85/100	18/100
Жанубий Африка	4/125	83/100	35/100

Хусусан, OBS 2023 таҳлиliga кўра¹⁵⁴ ўрганилган мамлакатларининг 83 фоизиди жамоатчилик иштирокининг камида битта механизми мавжуд бўлса-да, *Public Participation* кўрсаткичи энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда.

Экспертларнинг хулосаларига кўра бунинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- жамоатчилик билан ҳамкорлик кўп ҳолларда фақат ҳужжатни эълон қилиш ва фикр-мулоҳазалар йиғиш билан чекланиб, таклифларнинг мазмунан инобатга олиниши кафолатланмайди;

- ҳукуматлар жамоатчиликни асосан дастлабки босқичларда (муҳокамалар жараёнида) жалб қиладилар. Бюджет жараёнининг бюджет ижроси ва харажатлар назорати босқичлари ёпиқлигича қолмоқда, шунинг учун фуқароларнинг маблағлар тақсимланишига таъсир этиш имкониятини чекланади;

- кўплаб мамлакатларда парламентлар бюджет ҳисоботларини муҳокама қилишда очиқ эшитувлар ўтказмайди, бу эса ижро сифатини баҳолаш босқичида жамоатчилик иштирокини чеклайди.

Бюджет саводхонлиги ахборотнинг мавжудлиги ва уни англаш қобилияти ўртасидаги узилишни бартараф этувчи муҳим омил ҳисобланади. Бироқ, бюджет шаффофлиги ва маълумотлар очиқлиги, аввало, аҳоли учун соддалаштирилган ҳамда ҳаммабоп шаклда тақдим этилиши лозим. Зеро, фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштироки мураккаб молиявий таҳлилга эмас, балки ижтимоий эҳтиёжлар устуворлиги ва бевосита жамоатчилик назоратига таянади. Шу нуқтаи

¹⁵⁴ [Открытый бюджетный опрос 2023 года — Международное бюджетное партнёрство](#)

назардан, бюджет саводхонлиги ва шаффофлик бир-бирини ўзаро кучайтирувчи институционал категориялардир, яъни саводхонлик шаффофликка бўлган ижтимоий талабни оширса, шаффофлик онгли иштирок учун зарур платформани яратади.

Давлат молияси ислохотлари шароитида бюджет маблағларининг сарфланиши эмас, улар қандай натижа бериши муҳим аҳамият касб этмоқда. Шаффофлик фақат ҳисоботларни эълон қилиш билан чекланмай, бюджет жараёнини жамоатчилик учун тушунарли ва таққосланадиган тизимга айлантиришни талаб этади. Бу нуқтаи назардан дастурий бюджетлаштириш (performance/program budgeting) давлат харажатларини “мақсад-вазифа-натижа-кўрсаткич” занжирига боғлайди. Масалан, Канадада федерал даражада жорий этилган «Results Framework» доирасида бюджет дастурлари бўйича молиявий ва натижавий кўрсаткичлар “GC InfoBase” рақамли платформаси¹⁵⁵ орқали жамоатчиликка тақдим этилади. Ушбу платформа дастур мақсадлари, индикаторлар ва амалий натижаларни ўзаро солиштириш имконини беради, бу эса бюджет харажатларининг самарадорлигини фуқаролар томонидан мустақил таҳлил қилиш имкониятини кенгайтиради.

Кўп йиллик OBS натижалари шуни кўрсатадики, бюджет маълумотларининг очиқлиги жамоатчилик иштироки даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ эмас, бунда ахборотнинг фуқаролар учун тушунарли ва қулай форматда тақдим этилиши ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шу боис бюджет шаффофлиги ривожланган мамлакатларда “фуқаролар учун бюджет” нашрлари, визуализациялар ва интерактив рақамли платформалар каби содалаштирилган форматларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Масалан, 2018 йилда ЖАР Миллий Ғазначилиги томонидан “Vulekamali” интерактив портали (зулус тилида -“Пулни очинг”)¹⁵⁶ ишга туширилган. Порталда бюджет ва унинг ижроси тўғрисида очиқ маълумотлар, шу жумладан асосий кўрсаткичлар эълон қилинади. Vulekamali фуқароларга бюджет дастурлари қандай бажарилаётганини кузатиш имконини беради, жумладан, порталда Чораклик самарадорлик кўрсаткичлари (Quarterly performance indicators) бўлими мавжуд бўлиб, унда вазирликлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлар бўйича чоракма-чорак ўсиш жараёни график шаклда акс эттирилган. Миллий Ғазначилик электрон ҳисоботларни йил давомида янгилаб боради, бу эса режалаштирилган ва амалий харажатларни солиштириш ҳамда КРІлар ижросини таҳлил қилиш имкониятини яратади.

Бундан ташқари, Municipal Money¹⁵⁷ портали маҳаллий бюджетларнинг ижроси ҳақидаги маълумотларни тақдим этади. ЖАР амалиёти ривожланаётган мамлакатда ҳам натижаларни мунтазам мониторинг

¹⁵⁵ [GC InfoBase](#)

¹⁵⁶ <https://vulekamali.gov.za/2025-26/national/departments/basic-education/>

¹⁵⁷ <https://municipalmoney.gov.za/help>

қилишни йўлга қўйиш ва жамият учун юқори даражада шаффофликни таъминлаш мумкинлигига мисол бўла олади.

Қозоғистон Республикасининг "Очиқ бюджетлар" портали¹⁵⁸ — давлат органларининг бюджет дастурлари ва ҳисоботлари эълон қилинадиган платформа ҳисобланади. Мазкур портал фуқароларнинг давлатдаги "бюджет" тушунчаси ҳақидаги тасаввурларини осонлаштириш ва бюджет маблағларининг сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали фаол фуқаролик позициясини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Шу мақсадда "Очиқ бюджетлар" порталида бюджет дастурлари лойиҳалари тасдиқланишидан олдин эълон қилинади, бу эса фуқароларга бюджет маблағларини сарфлаш жараёнига ўзгартиришлар киритиш имкониятини яратади. Шунингдек, бюджет дастурларининг амалга оширилиши бўйича давлат аудити ва молиявий назорат натижалари тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда эълон қилиб борилади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда бюджет шаффофлигини ошириш ва аҳолини бюджет жараёнларига жалб қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Openbudget.uz порталининг жорий қилиниши, «Фуқаролар учун бюджет» нашр этилиши ҳамда ташаббусли бюджетлаштириш амалиётининг ривожланиши фуқароларда бюджет тизими тўғрисидаги базавий тасаввурларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, бюджет ислохотлари доирасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий қилиш аҳолига бюджет маълумотларини тушунарлироқ қилишга хизмат қилади. Хусусан, аҳолининг бюджет саводхонлигини ошириш нуқтаи назаридан дастурий бюджетлаштиришнинг қуйидаги элементлари, шу жумладан, 1) бюджет харажатларини дастурлар бўйича гуруҳлаш, 2) бюджет дастурларининг аниқ ва тушунарли мақсадларини белгилаш, 3) натижавийликнинг ўлчаб бўладиган кўрсаткичларидан фойдаланиш ва 4) эришилган натижалар бўйича очиқ ҳисобдорликни таъминлаш каби асосий элементлари муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу элементлар бюджет ахборотини мантиқий тизимга солиб, харажатлар ва ижтимоий натижалар ўртасидаги боғлиқликни очиқ беради ҳамда фуқароларнинг бюджетни тушунишини осонлаштиради. Шу боис Ўзбекистонда изчил жорий этилаётган дастурий бюджетлаштиришни фақат бошқарув воситаси сифатида эмас, балки бюджет шаффофлиги ва бюджет саводхонлигини кучайтиришга хизмат қилувчи механизм сифатида ривожлантириш муҳим. Бунинг учун бюджет дастурлари лойиҳалари ва ижро кўрсаткичларини рақамли платформаларга интеграция қилиш, ахборотни соддалаштирилган (машина ўқийдиган) форматда тақдим этиш ва визуализация воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

¹⁵⁸ <https://budget.egov.kz/>

Шундай қилиб, бюджет шаффофлиги ахборотни очиш билан чекланмай, уни фуқаролар учун тушунарли форматда тақдим этиш орқали бюджет саводхонлигини ривожлантиради. Бу эса жамоатчилик назоратини кучайтириш ва бюджет қарорларининг сифатини оширишга хизмат қилади.

IQTISODIY TARAQQIYOTNI TA'MINLASHDA AHOLINI MOLIYAVIY SAVODXONLIGI OSHIRISHNING ZARURLIGI VA AHAMIYATI

Tojiyev Javlonbek Rustamovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti mustaqil izlanuvchisi

Jahon tajribasi ko'rsatishicha, mikromoliyalashtirish kambag'allik darajasini qisqartirish, aholining tadbirkorlik qobiliyatini rivojlantirish va kichik tadbirkorlik subyektlari faoliyatini taraqqiy ettirish hamda iqtisodiyotni barqaror rivojlantirishning muhim omilidir. Mikromoliyalashtirish hududiy joylashuvi, bozor infratuzilmasining yetarli darajada rivojlanmaganligi yoki kredit riski darajasi yuqoriligi tufayli an'anaviy bank xizmatlaridan foydalanish imkoniyatiga ega bo'lmagan jismoniy va yuridik shaxslarga mikromoliyaviy xizmatlar taqdim etishning samarali vositasidir. Mikromoliyalashtirishni rivojlantirish natijasida aholining iqtisodiy faol qismi mikromoliyaviy xizmatlardan foydalangan holda o'zini o'zi band qilishi yoki tadbirkorlik faoliyatini yo'lga qo'yishi orqali tadbirkorlik subyektiga aylanadi.

Qashshoqlik va tengsizlik yuqori bo'lgan mamlakatlarda mikromoliyalashtirish iqtisodiy taraqqiyotni rag'batlantirish va qashshoqlikka qarshi kurashda muhim rol o'ynashi mumkin. Moliyaviy savodxonlikning past darajasi mikromoliyalashtirishning rivojlanishiga to'sqinlik qilishi mumkin, chunki odamlar har doim ham kreditlash shartlari va xavf-xatarlarni yaxshi tushunishmaydi. Rivojlangan infratuzilma, jumladan, transport, aloqa va energetika chekka hududlardagi tadbirkorlar uchun moliyaviy xizmatlardan foydalanishni osonlashtiradi. Madaniy xususiyatlar va an'analar aholining mikromoliyaviy xizmatlardan foydalanishga bo'lgan munosabatiga ta'sir qilishi mumkin. Yuqori darajadagi ta'lim ko'pincha tadbirkorlikni rag'batlantiradi va mikromoliyalashtirishga talabni oshiradi.

Tadbirkorlar va aholi moliyaviy savodxonligining yetarli emasligi moliyaviy resurslardan, shu jumladan, mikroqarz va mikro kreditlardan foydalanishga to'sqinlik qiladi, bank va mikromoliyaviy tashkilotlar mahsulotlari bozori rivojlanishiga imkon bermaydi. Aholining moliyaviy savodxonlik darajasining oshirilishi ularning mikromoliyaviy xizmatlardan samarali va keng ko'lamda foydalanishga imkon yaratadi. Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti tavsifiga ko'ra, "moliyaviy savodxonlik – bu shaxsiy moliyaviy farovonlikka erishish uchun asosli moliyaviy qarorlar qabul qilish imkonini beruvchi xabardorlik, bilim, ko'nikma, qadriyatlar (hayotiy yo'nalishlar) va xulq-atvor kabi